RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 9 октябрь, шанба • № 80 (11.163) • Эркин нархда сотилади

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ УКРАИНАГА ТАШРИФИ

КИЕВ. ЎзА махсус мухбири Беҳзод Усмонов хабар қилади:

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Украинага келди. Киевнинг Бориспол аэропортида давлатимиз раҳбарини Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенко кутиб олди.

Мариин саройида Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистон раҳбарини самимий қарши олди. Ўзбекистон ва Украина Давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Маросимдан сўнг Ислом Каримов билан Леонид Кучма ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари хусусида фикр алмашдилар.

Шундан кейин Ислом Каримов ва Леонид Кучма иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Унда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма икки давлат ўртасида барча соҳаларда стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Баёнотни, Ўзбекистон билан Украина ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни имзоладилар.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А.Комилов ва Украина Ташқи ишлар вазири Б.Тарасюк Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги икки томонлама фуқаролик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақидаги Протоколга имзо чекдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенкони қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Украина миллий телевидениесининг биринчи каналига интервью берди.

Оқшом Мариин саройида Президент Ислом Каримов шарафига Украина Президенти номидан қабул маросими ўтказилди.

(ЎзА).

«ЎРТА ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК»

ТОШКЕНТДА Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг (ЕАҲК) «Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик» мавзуидаги халқаро конференцияси бошланди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда НАТО сиёсий қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур тадбирда 44 мамлакатдан вакиллар иштирок этмоқда.

Дунёвий йўлни танлаган Ўзбекистон мустақилликдан сўнг, ер юзида барқарор тинчликни қарор топтириш, хусусан, Ўрта Осиё минтақаси хавфсизлигини таъминлаш борасида кўплаб муҳим сиёсий тадбирларни амалга оширмоқда. Айниқса, қарийб 20 йилдан буён минтақа хавфсизлигига таҳдид солаётган Афғонистон можаросини тинч йўл билан бартараф қилиш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлар ҳозир халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланмоқда. Ўзбекистон Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўплаб амалий таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, мамлакатимиз Президенти БМТнинг 48-сессиясида Афғонистонда урушаётган томонларга қуролярог сотишни тақиқлаш тўғрисидаги таклиф билан чиқди. Бундай ташаббуслар қаторида «Олти плюс икки» гуруҳини тузиш ҳам бор эди, ҳозир бу гуруҳ фаол ишга киришган. Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш ташаббуси билан чиқди ва бу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди.

Бугунги кунда халқаро террорчилик, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси, диний экстремизм ҳамда элатлар ўртасидаги можароларни бартараф қилиш талай мамлакатлар ҳукуматлари олдида турган долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Бундай иллатлар нафақат мамлакатлар хавфсизлиги, балки бутун-бутун минтақалардаги халқлар осойишталигига жиддий таҳдид солиб, борган сари дунёвий тус олмоқда. Шу сабаб, бу каби муаммоларга қарши ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш зарурати туғилмоқда. Чунки бундай муаммоларни алоҳида бир мамлакат ёки бир минтақа кучи билан бартараф қилиш мушкул.

Дунёнинг энг йирик ҳарбий-сиёсий ташкилотларидан бири ҳисобланган НАТО давлатлар хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, халқаро террорчилик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида самарали тадбирлар ўтказмоқда. Бу каби ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида 1997 йилнинг май ойида НАТОнинг Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгаши негизида Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига (ЕАҲК) асос солинган эди. Ҳозир унга Альянснинг 19 аъзоси ҳамда 25 ҳамкор мамлакат кирган.

Мазкур конференция илгариги анжуманлардан кун тартибига киритилган мавзулар кўламининг кенглиги ва муҳимлиги билан ажралиб туради. Анжуман иштирокчилари икки кун давомида халқаро террорчилик, диний экстремизм, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, тинчликни сақлаш кучларининг минтақавий ҳамкорлигини кенгайтириш, хавфсизлик таъминотининг иқтисодий жиҳатлари ҳамда фан ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорлик мавзулари юзасидан мутахассислар маърузаларини тинглайди, ўзаро фикр алмашади.

Равшан МАҲМУДОВ, ЎзА мухбири.

«АНОР» ГУРУҲИ ГЕРМАНИЯДА

Германиядаги Баден-Вюртемберг Федерал ерининг Крайльсхайме шаҳрида ўтказилган анъанавий халқ байрами «Франкийлар фестивали»да Ўзбекистоннинг «Анор» гуруҳи катта муваффақият билан юртимиз мусиқа санъатини намойиш этди. Ҳамюртларимизнинг бу катта халқаро маданият ва санъат байрамидаги иштироки Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси ва Германия «Херман Шлоссер» ширкатининг ҳомийлигида ташкил этилди.

Ўзбекистонлик рақҳосалар Сўғдиёна Мирзаева, Ирода ва Шаҳризода Дилмурод қизи, хонанда Севара Назархонова, созандалар Рустам ва Алишер Мадумаров, Карен Гофуржонов ва Артур Мударисовларнинг Гулнора Худойберганова раҳбарлигидаги ҳар бир чиқишлари германиялик томошабинларни ва фестивалда иштирок этаётган ўттиздан зиёд мамлакатларнинг мусиқа маданияти вакилларини ҳайратда қолдирди.

Бу шаҳарнинг тарихий майдонларидан бири — Маркет-платцда ташкил этилган «Ўзбекистон» мавзуидаги кўргазма билан танишиш фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига халқимиз маданияти, бадиий-амалий санъати ҳақида кўп қизиқарли маълумотлар олишига имкон яратди.

— Ўзбек санъаткорларининг фестивалдаги муваффақияти дунёнинг турли давлатларидан келган минглаб мухлисларга мафтункор Шарқ мусиқаси билан танишишга, бу ерда жуда юқори баҳоланган ва эътироф этилган Ўзбекистон мусиқа маданияти сирларидан воқиф бўлишга ёрдам берди, — деди санъаткорларимиз сафарининг бош ташкилотчиси Херман Шлоссер.

Шуҳрат ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА мухбири, Крайльсхайм.



«КОНМИТ» тамғаси босилган ва чиройли қадоқланган печенье ва вафлиларни ҳамма, айниқса, жажжи ўғил-қизлар жуда хуш кўришади. Англиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда Бўстонлиқ туманида барпо этилган бу қўшма корхона икки йилдан ошиқроқ вақтдан бери барқарор ишлаб келмоқда. Унинг сифатли маҳсулотлари республикамиз бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади, ҳатто, хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилина бошланди. Сал кам 300 нафар ишчи-хизматчини бирлаштирган жамоа жорий йилнинг ўтган даври мобайнида юртдошларимиз дастурхонига сал кам 1 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берди.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада автоматлашган. Олмония ва Австриядан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар ишчилар меҳнатини беқиёс даражада енгиллаштирмоқда.

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ДАРАХТ КЕСГАН КЎКАРМАС

Лўқма

КЎКАРИБ турган дарахтга болта уриш эскичасига ҳам, янгичасига ҳам катта гуноҳдир. Албатта, бунга сабаб бўлса ноилож-ликдан кесилади. Шунда ҳам тегишли мутасадди идоралардан рухсат олиш талаб қилинади. Бизда бундай муҳим масалага панжа орасидан қараётган, ҳатто, амалдаги қонун-қоидаларни назар-писанд қилмайдиган кишиларнинг борлиги афсусланарлидир.

Тошкент тумани автомобиль йўллари бошқармаси раҳбари О. Тўлаганов ҳам шундайлардан чиқиб қолди. У битта ёки икита эмас, бир йўла 32та кўкариб турган дарахтларнинг қирқиб юборилишига йўл қўйди. Унинг бундай лоқайдлиги ўзига ҳам, бошқарма жамоасига ҳам қимматга тушди.

Бу қилмиш туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари эътиборидан четда қолмади. Улар табиатни муҳофаза қилиш қонунлари қўпол равишда бузилганлигини инобатга олиб, айбдорларни тегишлича жазоладилар. О. Тўлагановга 1320 сўм миқдорида жарима солинди. Атроф-муҳитга келтирилган зарар эса ҳисобланганда катта маблағни ташкил этди. Натижада, бошқармага 350 минг сўмдан ошиқ ҳажмдаги даъво билан чиқилди.

Қибрай тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ўтказган текширишлар натижасида уруғчилик институтида ҳам шундай номаъқулчилик содир этилганлиги аниқланди. Бу ерда бешта дарахт ҳеч қандай рухсатсиз кесиб юборилган. Бунинг учун айбдор бўлган институт директорининг муовини Х. Жўраевга ҳам 1320 сўм жарима солинди. Институтга эса келтирилган зарарни қоплаш учун 84 минг сўм товон тўлаш расмийлаштирилди.

Табиатимиз бойликларига, жумладан, ҳайвонот дунёсига кўз олайтиришлар ҳам нозирлар томонидан фош қилинмоқда. Яқинда оққўрғонлик Г. Лян ва ўртачирчиқлик Е. Осиповлар шундай жиноят устида ушландилар. Улар тўр билан балиқ овлашарди. Қонун бўйича фақат қармоқдан фойдаланиш мумкин. Айбдорлар қанчалик тавба-тазарру қилишмасин, жазодан қутулолмадилар. Уларнинг ҳар бири 1320 сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

Паркент туманидаги «Чанги» жамоа хўжалигининг машина-трактор саройида табиатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу ерда навбатдаги текшириш ўтказилганда саноат чиқиндиларини ташиш ва жойлаштиришда йўл қўйилган нуқсонлар маълум бўлди. Оқибатда раҳбар У. Холбоев моддий жазоланди. Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси автогаражининг трактор ҳайдовчиси А. Турдиқулов эса чиқиндиларни Қорабоғсой дарёсининг муҳофаза минтақасига тўкаётганида табиатни муҳофаза қилиш нозирлари томонидан ушланди. Айбдор 1300 сўм жарима тўлади.

Табиатимиз ардоқ талаб бўлиб турган ҳозирги пайтда уни ҳар томонлама асраб-авайлашимиз керак. Ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан унга зарар келтираётганларга нисбатан шафқатсиз бўлиш лозим. Зотан бу умумхалқ иши бўлиб қолиши лозим. Шундагина келажак авлодга табиатимизни бутун гўзаллиги билан мерос қолдиришга эришишимиз мумкин.

А. АБДУҲАМИДОВ, А. ГАИТОВ, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг нозирлари.

Сайловлар олдидан

МУСТАҚИЛ НОМЗОД: КИМ У?

МАМЛАКАТИМИЗДА сайловлар яқинлашгани сари сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам авж олмоқда. Сайловлар арафасида яна бир ноҳукумат ташкилот — Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази тузилди.

ЎзА мухбири мазкур Марказ раиси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Акмал Саидовдан ушбу ташкилотнинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Суҳбатимиз бошида аввало, «Мустақил номзод» тушунчасига изоҳ бериб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Маълумки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонунларга 1999 йил 19 августда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра мамлакатимизнинг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Ушбу гуруҳ томонидан кўрсатилган номзод — бу мустақил номзоддир.

Вакиллик органларига номзодлар кўрсатишнинг ушбу усули биз учун янги бўлиб, сайловчиларга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган партиялар ва ҳокимият органлари номзодларига муқобил номзодлар кўрсатиш ва сайлаш имкониятини беради.

— Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази ким томонидан тузилди?

— Бу ўринда мазкур ғоя Марказий сайлов комиссиясида рўйхатдан ўтган 20дан ортиқ ташаббускор гуруҳлар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари кенгашларининг раислари ва бир қатор нуфузли ноҳукумат ташкилотлари ташаббуси эканини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Марказнинг таъсис мажлиси 23 сентябрь куни бўлиб ўтганига қарамай, унинг сафи тобора кенгаймоқда. Марказга унинг мақсадларини қўллаб-қувватловчи барча ташкилотлар, мустақил номзодлар ва ташаббускор гуруҳ вакиллари жамоа шаклида ва шахсан аъзо бўлишлари мумкин.

Низомга мувофиқ Марказ нодавлат, нотижорат ташкилоти бўлиб, асосий мақсади Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловларда фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган мустақил номзодларнинг ўз сайлаш ҳуқуқларини амалга оширишида қўллаб-қувватлаш ва шу орқали ҳақиқий кучли фуқаролик жамияти қуриш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, эркин ва адолатли сайловларни ўтказиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришга кўмаклашишдан иборатдир.

Айни шу мақсадда Марказ мустақил номзодларга фуқаролар ташаббускор гуруҳларини тузишда ва сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинишида кўмаклашади. Сайловларда мустақил номзодларнинг умумий руйхатини тузади, сайловолди кампаниясини ўтказишда, хусусан, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплашида, учрашувлар ва ташвиқот ишларини олиб боришида ҳуқуқий ва маънавий ёрдам кўрсатади.

Шуни ҳам айтиш керакки, биз мустақил номзодларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уларнинг сайлов ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқларини амалга ошириш воситалари ва усуллари тўғрисида тавсиялар берамиз, мустақил номзодларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашамиз ва манфаатларини ҳимоя қиламиз. Шунингдек, фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларига сайловларда иштирок этаётган мустақил номзодлар тўғрисида мунтазам маълумотлар бериб борамиз.

— Сайловолди кампанияси даврида ва сайловларда фаол қатнашиш имкониятига эга бўлган ушбу Марказ сайловлардан кейин қандай ишлар билан шуғулланади ёки унинг фаолияти навбатдаги сайловларга қадар тўхтаб қолдими?

— Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларининг иш фаолияти жараёнида баъзи депутатларнинг маълум сабаблар туфайли муддатидан олдин ўз вазифаларини зиммаларидан соқит қилишлари, ваколатлари тўхтатилиши амалиёти ҳам мавжуд. Марказнинг сайловлардан кейин айни ўша ўрни бўшаб қолган депутатлар учун номзодлар кўрсатилишида ҳам фаол иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Пировардида шуни айтиш лозимки, Олий Мажлисда бўлажак мустақил номзодлар фракцияси билан иш олиб бориш ҳам Марказнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади, деган умиддамиз.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ, (ЎзА).

САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ ИККИНЧИ СОНИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномасининг иккинчи сони босмадан чиқди. Унда мамлакатимизда сайловларни ўтказиш юзасидан асосий тадбирларнинг календар-режалари, Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи сайлов органларини тузиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов органларини тузиш тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур округларнинг тартиб рақамлари, номлари ва чегаравҳудудлари, ҳақида маълумотлар, мақолалар берилган.

Мақолаларда сайлов қонунчилиги ва амалиётига оид долзарб мавзулар, хусусан, сайловлар тўғрисидаги қонунларимизга хорижий экспертларнинг муносабати, Марказий сайлов комиссиясининг фаолият доираси, халқаро кузатувчиларнинг ваколатлари таҳлил этилган. Жумладан, Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов ўзининг «Демократия ва тараққиёт» мақоласида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича шарҳлаб берган.

«Ахборотнома»дан сайловларга оид бошқа материаллар ҳам кенг ўрин олган.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ ҳаёти

• АНГРЕН саноат корхоналарининг аксарияти, хусусан, олтин қазиб чиқариш корхонаси, «Саноатқалинқўғозсавдо» ҳиссадорлик бирлашмаси, «Автомобилтаъмирлаш» акциядорлик жамияти, 4-темир-бетон заводи жамоалари ўтган ойларда режаларни 104-105 фоиздан ошириб адо этдилар. Шу туфайли, шаҳар бўйича саноат маҳсулотини тайёрлашнинг тўққиз ойлик режаси 102 фоиз бажарилди.

• ЎЗБЕК-ҲИНД илмий-техника ҳамкорлиги марказининг Чирчиқ шаҳридаги шахобчасида атроф-муҳит софлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги мослама тайёрланди. Автотранспортдан чиқадиган турли зарарли газлар таъсирини назорат қилишга мўлжалланган бу мосламанинг дастлабки нусхалари Ҳиндистонда синаб кўрилиб, ижобий баҳоланган, уларни саноат асосида кўплаб ишлаб чиқариш тадбирлари кўрилмоқда.

• ЗАНГИОТА туманидаги мавжуд 94та маҳаллада ўз ўзини бошқариш тизимлари ишини мувофиқлаштириш мақсадида туман маҳалла жамғармаси ташкил этилди.

• ҚИБРАЙ туманидаги биринчи ўрта мактабда, Давлат тили қабул қилинганлигининг ўн йиллигига бағишланган, Она тили байрами ўтказилди. Унда Республика ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ва филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимовлар иштирок этишди.

• ВИЛОЯТИМИЗ шаҳар-туманларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давом этмоқда. Жорий йилнинг ўтган чораклари давомида 14та катта-кичик иншоотлар юридик ва жисмоний шахсларга сотилди. Бунинг ҳисобига 67 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тушди. Бу йиллик топшириқда назарда тутилганидан ҳам кўпдир.

Сиз «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ОБУНА бўлдингизми?

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча алоқа бўлимларида бошқа нашрлар қаторида «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз, у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади.

Нашр кўрсаткичларини эслатиб ўтамиз: якка обуначилар учун — 205, ташкилотлар учун — 206.

Ватан тимсоллари

ҲИЛПИРА, ҲИЛПИРА, ТАБАРРУК БАЙРОҚ



1991 йилнинг 18 ноябрь куни Олий Кенгашнинг VIII сессиясида мустақил Ўзбекистон Республикасининг Байроғи қабул қилинди

Битирувчилар фахрий Абдурасул отанинг оғзига тикилиб, жим қолишди.

— Биз ҳам сизлардек ўқувчи бўлганмиз, — давом эттирди отахон, — сизлар бизлардан бахтлисиз. Эркин, бахтиёр улғаяяпсизлар. Қани, айтинглар-чи, Республикамиз байроғи нимани англатади?

Болалар бир-бирларига қарашди. Бир ўсмир қўл кўтариб, ўрнидан турди.

— Давлат байроғи — юртнинг рамзи, бутун Ўзбекистон ҳудудида ва сарҳадида мавжуд бўлган давлатлар билан тарихий бирликни англатади. Республикамизнинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассам этади.

— Баракалла, — деди фахрий отахон.

— Энди қизларим, ўғилларим, Байроғимиз, Мадҳиямиз, Гербимиз тарихини билишингиз керак. Аввало Байроқнинг муқаддаслиги ҳақида сўзлаб берай. Ҳориждан келган меҳмонлардан бири ибратли воқеани ҳикоя қилиб берганди. Ватанимиз БМТга аъзо бўлгач, нуфузли бу ташкилот биноси олдида 150 мамлакат байроқлари қаторида Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпирай бошлади. Байроқ кўтарилиши маросимида Америкада яшовчи ўзбеклар йиғилишибди. Ҳамма бир-бирини: «Юртимиз озодлиги муборак бўлсин», дея табриклашишибди. Байроққа қараб, кўзларидан шашқатор ёшлари оқибди. «Бу кунларни кўрсатганингга шукур», дейишибди.

Байроқ ана шундай табаррук. Байроқ бу ор-номус, бу шон, бу ҳаёт демак. Мана, саккиз йил бўляптики, байроғимиз бошимиз узра ҳилпираб турипти. Унга боқиб, юрагида ифтихор тўлиб-тошмаган, ғурурланмаган, шукр қилмаган одамни чин инсон деб бўлмайди.

Энди эса қулоқ солинг.

Байроғимизнинг мовий ранги тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва оби-ҳаёт рамзидир.

Оқ ранги эса муқаддас тинчликни англатиб туради. У кунларимизнинг чароғонлиги ва коинот ёритгичлари билан уйғунлашиб кетган. Оқ ранг орзуларимиз, покиза хаёлларимизнинг тимсолидир.

Яшил ранг эса табиатнинг янгиланиш ранги, навқиронлик, умид ва фидойилик ифодасидир.

Қизил ранг эса вужудимиздаги томирларда оқаётган қоннинг белгисидир.

— Ярим ой ва ўн икки юлдуз-чи? — сўради орқа қаторда ўтирган мўйлаблари сабза ураётган йигитча.

— Буни мен сизлардан сўрашим керак, — деди Абдурасул ота.

— Мен айтиб боқай, — деди кулча юзли қиз. — Ярим ой — ҳилол бу тарихий анъаналаримиз билан боғлиқдир. Айни пайтда, мустақиллигимизнинг ифодасидир.

— Баракалла, қизим, — Абдурасул ота оқсоқ оёғини силаб қўйди, — энди юлдузлар-чи?

— Юлдузлар қуёш йилномасини англатади, эзгу урф-одат, ниятларимизни ифодалайди.

— Қани, санаб кўринглар-чи, — деди Абдурасул ота.

— Яхшилик, донишмандлик, садоқат, диёнат, матонат, фидойилик, — чувиллашди болалар.

— Мардлик, вафодорлик, жасорат, — қўшимча қилди кўзлари чақнаб турган ўсмир.

— Яна бизнинг эзгу маънавий қадриятларимиз ҳам борки, уларнинг ҳаммаси ўн икки юлдузда ифода этилган. Ўн икки юлдуз — ҳаётимизнинг ўн икки муқаддас буржининг тимсолидир. — Абдурасул ота якун ясади, — Байроғимизни рассом Анвар Мамажонов яратган.

Шу куни йигитлар, қизлар дилларида борини тўкиб солдилар. Спортчиларимиз эришган ютуқлардан сўнг ҳар гал Ўзбекистон Байроғи кўтарилиб, Мадҳиямиз янграганини, Президентимиз ташриф буюрган мамлакатларда ҳам байроғимиз ҳилпираб туришини ҳаяжон билан сўзлашди. Байроғимизнинг жаҳон меҳварида ҳилпираши — ғолибона юриши бўлади. Бизлар ҳам байроққа садоқат билан, фидойилик кўрсатиш билан улғаямиз. Ҳаётимизни гўзаллаштиришга ҳисса қўшамиз, — дейишди улар.

Ватан байроғи! Ундан ҳам муқаддас, ундан ҳам азиз нарса бормикин! У она тупроқ бағридан, ота-боболаримизнинг ушалмай қолган орзусидан, келажагимизнинг нурафшон тонгидан бунёд бўлган. Шунинг учун унга қараган лаҳзада буюк тарихимиз, ундан ҳам буюкроқ келажагимиз кўз ўнгимизда намоён бўлади. Унинг ороланиб бошимиз узра яшнаб туриши абадий бахтимиз эканлигига ким шак келтиради!?

Биз ҳам байроқ учун бор меҳримизни, қалб қўримизни берсак, юртимиз учун жон қуйдирсак айни муддао бўлади. Чунки ҳар томчи манглай теримиз пахтамизни қанчалар оқ қилса, байроқни шунчалар қудратли этади. Зарур бўлса жонлар фидо бўлсин сенга, Ватан байроғи!

Айтар бўлсам бугун сўзнинг қаймоғини,
Кўзимга сурт она-Ватан тупроғини,
Ўнгил бутун муҳаббатинг бахш айлабон,
Ҳилпираган алвон-алвон байроғимиз!

У бор экан, ғанимлардан садо чиқмас,
У бор экан, юртдан қадди адо чиқмас,
Ўтда куймас, сувда чўкмас, йиллар йиқмас,
Ҳур Ватаннинг жисмида жон байроғимиз!

У бор экан, одимлар ҳам мардонавор,
У бор экан, эртанги кун тинч, бахтиёр,
Неча авлод орзу қилди такрор-такрор,
Кўрсам Ватан, шудир армон, байроғимиз!

Шу байроқдир, бизга асли номусу ор,
Шу байроқдир эллар ичра чин ифтихор,
Ҳилпирайвер, ҳилпирашинг бирам дилдор,
Ҳавас ила кўрсин жаҳон байроғимиз!

Азиз ватандош! Байроғимиз шон-шуҳратимизни эллардан-элларга ёйди. Миллионлаб ҳоридждаги ватандошларга худди семурғдай кўринди. Ўзбекистоннинг байроғи — абадий порлайдиган мустақиллигимизнинг байроғидир.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Суръат, таҳлил, хулоса

КИМ ҚАНДАЙ УЛУШ ҚЎШЯПТИ

Вилоятимиз пахтакорлари кунлик терим суръати бўйича республикада пешқадам вилоятлар қаторига чиқиб олдилар

• 7 октябрь куни вилоятимиз пахтазорларидан 12 минг 300 тоннадан ортиқ хомашё териб олинди. Бу йиллик режанинг 4,22 фоизини ташкил этади.

• Далаларда 294та машина ишлади. Ҳар бир агрегат билан ўртача салкам 10 тоннадан пахта терилди.

• 102та «Кейс» русумли машинанинг ўртача унумдорлиги 20 тоннадан ортди.

• Қўл теримида 186 минг киши қатнашди, унумдорлик 50,8 килограммданга тўғри келди.

• Йиғим-теримда ҳамон Чиноз ва Янгийўл туманлари пахтакорлари пешқадамлик қилмоқдалар.

ПСКЕНТ

Охунбобоев номли жамоа хўжалиги кун сайин маррага яқинлашмоқда. Чунки хўжаликда ҳам қўл теримига, ҳам машина теримига бирдек эътибор берилмоқда. Қобул Қаршибоев бригадасида режанинг биринчилардан бўлиб бажарилишида, механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улардан бири Сайфиддин Ҳисомовдир. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган Сайфиддин далаларни машина теримига тайёрлаш, ғўза баргини тўкишда шахсан ўзи ҳам қатнашди.

С. Ҳисомовнинг айни кунгача терган пахтаси 150 тоннага яқинлашиб қолди. «Ҳақни ўз вақтида олиб турибмиз — , дейди у. — Мавсум охиригача ялпи хирмонимни 200 тоннага етказиш ниятим бор».

ЯНГИЙЎЛ

Манфаатдорлик бор жойда, албатта, ишда қўним, суръат бўлади. Янгийўл тумани меҳнаткашлари эришаётган ютуқлар бунга мисолдир. Йиғим-теримда илғорлар сафида бораётган туман пахтазорларида айни кунларда 17 минг теримчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг кунлик ўртача кўрсаттичи 50 килограммни ташкил этмоқда.

Дастлабки кунларданоқ ҳар бир килограмм терилган пахтага Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилганидек 8 сўмдан ҳақ бериб бориш қатъий йўлга қўйилди. Шундай қилиб, ҳозиргача икки бешкунликда теримчиларга 40 миллион сўм ҳақ тўланади. Учинчи бешкунлик якуни бўйича яна 40 миллион сўм пул тўланиши мўлжалланмоқда. «Ниёзбоши» ҳамда Назарали Ниёзов номли хўжаликлари эришаётган ютуқларнинг асосий омили ҳам шунда.

ҚУЙИЧИРЧИҚ

Далаларда Қибрай туманидан борган 6380 ёрдамчи-ҳашарчилар деҳқонлар билан елкама-елка туриб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳар куни хирмонга 250 тонна пахта топширмоқдалар. Кунлик унум 50 килограммданга тўғри келмоқда. Айниқса, Шароф Рашидов номли паррандачилик ҳиссадорлик жамиятидан келган ҳашарчилар самарали меҳнат қилмоқдалар. 102 нафар ёрдамчининг ҳар кунги терган пахтаси ҳар бир кишига ўртача 70 килограммданга тўғри келмоқда.

«Қизил шалола», «Бўриота» хўжаликларининг ёрдамчилари ҳам илғор теримчилардан қолишмай меҳнат қилмоқдалар.

«Тошовул», «Беруний номли», «Ўзбекистон беш йиллиги», Ҳамза номли жамоа хўжаликлари деҳқонлари оғирини енгил қилаётган қибрайликларнинг ҳозиргача уйган хирмонлари 2 минг тоннадан ортиб кетди.

ШУНДАЙ бўлиши табиий эди. Биринчидан, апрелда юз берган совуқ туфайли бузиб, қайта экилган 51 минг гектардан зиёд, яъни жами пахта майдонининг қарийб ярмидаги ҳосил энди ёппасига пишиб етила бошлади. Иккинчидан, бу йил ҳар бир туман, ҳар бир хўжаликда пахта йиғим-теримига олдиндан пухта ҳозирлик кўрилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг ҳар бир бандида белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида ва тўла амалга оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Аввало, механик-ҳайдовчилар, қўл теримчи қатнашчилари ва ҳашарчиларнинг иш ҳақларини ҳар беш кунда жамлаб, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиб бориш режалари аниқ тузиб олинди ва унга оғишмай амал қилинмоқда. Бу эса, ҳамма туман ва хўжаликларда оммавий сафарбарликни таъминламоқда. Қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолининг меҳнатга яроқли қисми бугуни кунда белига этак боғлаб, йиғим-теримда фаол иштироқ этмоқда. Қўл теримида кунига 181 мингдан зиёд киши қатнашаётгани ана шу фикримизнинг далилидир. Улар ҳар куни хирмонга 10 минг тоннадан ошириб пахта териб тўкмоқдалар.

Бу йилги мавсумда мавжуд терим машиналари қувватидан ҳам тўла фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. 400га яқин маҳаллий терим машиналарининг ҳар бири билан ўртача 10 тоннадан, 100дан зиёд «Кейс» русумли машиналарда эса, 20-25 тоннадан пахта терилмоқда.

Чиноз тумани пахтакорларининг ғайрат ва маҳоратларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар ўтган йилги мавсумда йиғим-теримнинг бошидан охиригача карвонбошилик қилиб, режани вилоятда биринчи бўлиб уддалаган эдилар. Бу йил ҳам улар теримни уюшқоқлик билан олиб бориб, маррага биринчи бўлиб яқинлашмоқдалар. Кунлик суръатда ҳам улоқни ҳеч кимга бермаяптилар.

Ўтган йилги оғир ва мураккаб шароитда уюшқоқлик ва маҳорат кўрсатган пскентликлар давлатга пахта сотиш режасини уддалаб, юзлари ёруғ бўлган эди. Ана шу ютуқни мустаҳкамлаш мақсадида режанинг учдан икки қисми миқдорида хомашё тайёрлаган бўлишларига қарамай, ҳамон кунига 4 фоиздан ошириб пахта термоқдалар.

Янгийўл, Оққўрғон, Бекобод, Ўртачирчиқ туманлари пахтакорларининг аввалги йиллардаги қолоқлик доғини ювишга астойдил бел боғлаганлари терим суръатидан яқол кўриниб турибди. Бу туманларда қабул пунктларига кунига 4-4,8 фоиз миқдорида хомашё етказиб берилмоқда.

Йил бошидан режани тўғри олиб, пахтанинг эртапишар навини вақтида ва сифатли эккан, ёз бўйи барча агротехника тадбирларини оби-тобида бажарган, теримга ҳам уюшқоқлик билан киришган хўжаликлар давлатга пахта сотиш шартнома режаларини қисқа муддатда бажариб, эндиликда қўшимча мажбурият ҳисобидан хомашё сотмоқдалар. Режани вилоятда биринчи бўлиб бажарган Чиноз туманидаги «Эшонобод» жамоа хўжалиги деҳқонлари шу кунгача тайёрлаган пахта 120 фоиздан ошиб кетди. Шу тумандаги бирин-кетин маррага етиб келган Амир Темур номли, «Чиноз» ва С.Раҳимов жамоа хўжаликлари ҳозир ҳам кунига йиллик режанинг 5-6 фоизи миқдорида пахта топширмоқдалар. «Гулзоробод» жамоа хўжалиги эса режани бугун-эрта бажаради. Оққўрғон туманидаги «Маданият», Бекобод туманидаги Навоий номли, Пскент туманидаги Охунбобоев номли хўжаликлар ҳам маррага яқинлашиб қолдилар.

ВИЛОЯТДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 8 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Туманлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
	(фоиз ҳисобида)	
Чиноз	5,54	83,11
Янгийўл	4,01	62,68
Оққўрғон	4,87	55,49
Пскент	4,51	51,60
Бекобод	4,08	48,68
Ўртачирчиқ	4,34	47,22
Бўка	3,68	42,98
Қуйичирчиқ	3,71	40,93
Юқоричирчиқ	3,76	35,55
Вилоят бўйича	**4,22**	**50,13**

Бироқ ҳар мавсумда бўлганидек, бу йил ҳам ғўза навининг ўзларининг иқлим ва тупроқ шароитларига мосини танлашда, агротехника тадбирларини қулай муддатларда ўтказишда ва йиғим-теримни ташкил этишда бепарволик, ўзи бўларчиликка берилиб, палапартишлик ва хатоликларга йўл қўйган, оқибатда ўз туманларини, шу жумладан вилоятни орқага тортаётган хўжаликлар йўқ эмас. Тўғри, бундай қолоқликнинг узрли сабаблари ҳам бўлиши мумкин. Чунончи, юқорида таъкидлаганимиздек, аксарият хўжаликлар апрелнинг охири ва майнинг бошларида кўпгина майдонларга қайта чигит экишга мажбур бўлдилар. Натижада ҳосил кечги бўлиб қолди.

Лекин, эътироф этиш керакки, бу табиий ҳолни пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотнинг охиридан жой олиб турган ҳамма хўжаликларга тааллуқли дейиш ўринли бўлмайди, албатта. Масалан, Пскент туманидаги Қодиров номли, Қуйичирчиқ туманидаги «Меҳнатобод», Ўртачирчиқ туманидаги «Дўстлик», Бекобод туманидаги Мавлонов номли хўжаликларда йиллик режа ҳали 30 фоизга етмаганлигини ҳеч қандай баҳона ё сабаб билан оқлаб бўлмайди. Устига-устак, кунлик суръат ҳам ажабланарли даражада паст. Жумладан, вилоятда кунига 4 фоиздан ошириб пахта тайёрланаётган пайтда Мавлонов номли хўжаликда 2 фоизга ҳам етмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, Оққўрғон туманидаги А. Икромов номли, Бўка туманидаги «Равот» ва Улуғбек номли, Қуйичирчиқ туманидаги «Янги ҳаёт» хўжаликларида ҳам терим суръати ҳамон тезлашмаяпти. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, йиғим-терим билан боғлиқ ташкилий ишлар лозим даражада йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, бу йил терим иштирокчилари билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиш учун керагича нақд пул ажратиляпти. Бу имкониятдан тадбиркорлик билан фойдаланилаётган хўжаликларда сафарбарлик кучли, терим суръати баланд. Туманни, вилоятни орқага тортаётган хўжаликлар улардан ибрат олиб, ҳозирги қуёшли кунларни ғанимат билиб, теримда кескин бурилиш ясашлари лозим.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Оққўрғон туманидаги «Маданият» деҳқон-фермерлар уюшмаси деҳқонлари бу йил 903 гектар майдонда пахта етиштирдилар. Дастлабки кунларданоқ йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этган техника ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаланган уюшма жамоалари туманда биринчилардан бўлиб маррага етганликларини маълум қилдилар. Ялпи хирмон 2308 тоннадан ортди, ҳосилдорлик 26 центнерга етди.

Айниқса Ўткир Йўлдошев, Карим Абдураҳмонов, Суннат Отабоевлар етакчилик қилаётган деҳқон-фермер хўжаликлари яхши натижаларга эришдилар.

— Биз, — деди Ўткир Йўлдошев, — 54 гектар ерда пахта етиштирдик. Лекин даламизда ҳали ҳосил мўл. Ҳосилдорликни 37 центнерга етказишга ҳаракат қиляпмиз. Бунда ҳамма қатори Матлуба Курбонбоева, Муножат Мовутова, Наргиза Набиқулова сингари чеварларимизнинг ҳиссаси катта бўляпти.

***СУРАТДА:** уюшма бош ҳосилоти (чапда) Содиқжон Ёндошев деҳқонлар билан суҳбатда.*

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Диққат, диққат!

ПАХТАНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК

ВИЛОЯТ пахтакорлари йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу муносабат билан пахта ҳом ашёсини ёнғиндан сақлаш ҳозирги қуннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир.

Буни тўғри тушунган вилоят ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари пахта йиғим-терими мавсумини муваффақиятли ўтказиш ва мавсум давомида ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш борасида зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Вилоят ҳудудида жойлашган пахта тозалаш заводлари ва қабул пунктларидаги ёнғинга қарши техник ҳолатлар назоратдан ўтказилди. Ёнғин чиқиш ҳавфи бўлган бир қанча носоз электр қурилмалари аниқланиб, ҳавфсизлик қоидаларини бузган раҳбар ходимларга жарималар солинди.

Пахтани йиғиб-териб олиш ва қайта ишлашда ёнғин содир бўлмаслиги учун барча терим машиналари, мавсумда ишлатиладиган тракторлар, пахта ташийдиган автомашиналар яхши созланган, учқун тутқичлари, ўт ўчириш воситалари, сув тўлдирилган идишлар билан жиҳозланган бўлиши шарт. Ёнғин чиқишга йўл қўймаслик учун пахта сақланаётган жойларга учқун тутқичлари бўлган автомашина ва тракторларнинг 5 метр, учқун тутқичларисиз воситаларининг эса 30 метрдан ортиқ яқинлашиши, пахтани йўлларнинг харакат қисмида, шунингдек, тупроқ ва шағал ётқизилган жойларда қуритиш, пахта териш машиналарида иш пайтида, хом ашё сақланаётган жойлардан 30 метргача бўлган масофада, пахта ташиётган машина ва тарктарларда, пахта терувчилар жойлашган ётоқхоналарда чекиш, шунингдек, эшикларни тақа-тақ ёпиб ташлаш ва улар ёнида печкалар ўрнатиш, тўшаклар тагига пичан, сомон солиш, электр асбобларидан ва бинони иситиш учун қўлбола мосламалардан фойдаланиш, 150 ваттдан юқори лампаларни ёқиш таъқиқланади. Шунингдек, трактор, автомобил ва пахта териш машиналарини пахта қуритилаётган, ғарамланган жойлардан 10 метр масофада тўхтатиш керак. Дала шийпонлари биринчи ўт ўчириш воситалари ва ёнғиннинг олдини олиш кўрсатмалари билан жиҳозланган бўлиши зарур. Клублар, мактаблар, вагонлар, уйлар, баракларда бахтсиз ҳодисалар юз бермаслиги учун уларга хашарчиларни жойлаштириш ҳақида идораларарo комиссия руҳсат бериши лозим. Теримчилар ёнғинга қарши тартиб-қоидаларга риоя қилишлари лозимлиги тўғрисида огоҳлантирилиши, биноларнинг атрофи ёнадиган чиқиндилардан тозаланган бўлиши керак.

Ҳар бир пахтакор ва ҳашарчи ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиши ва эҳтиётсизлик оқибатида ташланган бир дона гугурт чўпи ёки ўчирилмаган сигарет қолдиғи ёнғин келтириб чиқариши ва давлатга катта моддий зарар етказишини унутмаслиги зарур.

М. СУЛТОНОВА,
ёнғиндан сақлаш бошқармаси муҳандиси.

ДИЁНАТ ВА ХИЁНАТ

— II —

ИНСОН шахсияти абадий вақт ва чегарасиз макон оғушидан ташқарида эмас. Инсон шахсияти якка одам сифатида ўтмиш, ҳозир ва келажак, Ватан, жамият, коинот, руҳий олам, маънавият тушунчаларига бориб тақалади. Зеро, ана шу фалсафий атамалар маъноси инсон моҳиятини — ҳаққониятини, мухаққақлигини, инсоф, виждон, эътиқодини, феъл-атвор ва аҳлоқий маданиятини, закийлик даражасини белгилайди. Шу боис, Ўзбекистон Президенти ЮНЕСКОнинг Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуманида «Дунёни маданият асраб қолади» деганларида, юз карра ҳақ эдилар.

Ана энди кенг қўламли савол туғилади. Оламга келган одам боласи мавлуд нуқтасидан умр ниҳоясигача бўлган ораликда қайси йўлдан юради? Ҳақиқат, адолат, илму урфон, эзгулик, гўзаллик, меҳр-оқибат йўлиданми ёхуд ёвузлик, қабоҳат, залолат, муртадлик сўқмоғиданми?! Биринчи тоифадагиларнинг Қуръонил-Каримда «солиҳ бандалар», иккинчи тоифадагиларнинг «дўзах аҳллари» деб аталиши ҳам бежиз эмасдир.

Келинг, жаҳоннинг турли минтақаларида разолат, ўлим, ваҳима уруғларини сочаётган жангари мужоҳидларнинг дин ниқоби остидаги даъволарига бир назар ташлайлик.

Экстремист оқидапарастларнинг ноқис фикрича, кўпчилик аҳли ислом ўзларининг ибтидоий исломий қиёфаларини йўқотган эмиш, эндиликда соф исломий оқидаларни қайта тиклаш лозим эмиш... Шундаймикин?! Бу бўҳтонларнинг Жазоирдаги ҳунрезликларга, Мисрдаги террорчиликларга, Косоводаги миллатпарастликка, Афғонистондаги салкам йигирма йиллик фуқаролар урушига, Чеченистон, Доғистондаги босқинчиликларга, Тожикистон, Қирғизистондаги тарафкашликларга, Индонезиядаги элатлараро иҳтилофларга нима даҳли бор? Аллоҳ йўли, пайғамбарлар тариқатлари, умумбашарий қадриятлар, ислом таълимотлари қаёқдаю, ўзгалар ҳудудларига бостириб кириш, тинч аҳолини тиғдан ўтказиш, вайронагарчиликларга сабабчи бўлиш қаёқда?!

Мутаассиб экстремистлар моғор босган хаёлларидаги режаларини зўравонлик, қурол кучи, одамларни маҳв этиш воситалари орқали амалга оширмоқдалар. Шу аҳфозда мақсадга эришиш мумкинми? Кўҳна тарихда бунга биронта ижобий мисол топиш амри-маҳол. Куч, зўравонлик йўли билан юзага чиқарилган бирон-бир жараённинг давомийлиги пашшанинг умридан узоқ бўлган эмас. Бу ҳақиқатни ким рад эта олади? Бироқ, қалб кўзлари сўқир, ақлий салоҳияти қурол ишлатишдан нарига ўтмайдиган нодон каслардан нима ҳам кутиш мумкин? Ҳадиси шарифларда айтилганидек, бундай саъй-ҳаракатлар залолат ва жаҳаннамга етаклайди. Улар «шайтон отаси» — Тоғут малайларидир.

Барча динлар, хусусан, ислом дини ҳам тинчликпарварлик таълимотига асосланган бахру-уммондир. Унинг учун зўравонлик, мажбурийлик мутлақо ёт нарса. Дин оқидаларини шиор қилиб олган ғараз ниятли унсурлар, шубҳасиз, энг разил кишилардир. Улар муддаоларининг замирида миллатчилик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий манфаатлар, шунингдек, амалпарастлик, кибр-ҳаво мақсадлари ётади. Асло диний маърифат эмас. Босқинчи жангариларнинг ҳомийлари аслида узоқни кўзлаб, нигоҳлари олдига олтин, нефт, газ заҳираларини, битмас-туганмас ерости бойликларини, олий лавозим курсиларини келтирадилар, истиқболда уларнинг соҳиблари бўлишни ўйлайдилар. Уларнинг қора ниятлари шу.

ЭКСТРЕМИЗМГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Аммо, бир нарсани аниқ равшан билиб қўйиш лозим. Дин таъсири жуда буюк. Дин инсонни сақловчи тилсимот тумори, одамни эгри йўлдан қайтариб, тўғри йўлда тутиб турувчи қудратдир. Ва лекин, динни тушунмаслик, уни суиистеъмол этишлик, ундан ғаразли мақсадларда фойдаланиш инсон учун офатга айланади ва охир-оқибат уни кун-фаякун қилади. Шу боис бир неча йил муқаддам Доғистоннинг аллома шоири Расул Ҳамзатов «Мамлакатимиз ривожланаётган бўлса, ажаб эмас, бироқ, одамларимиз айнай бошлади», — деб ёзган эди.

Инсон — мураккаб зот. Баъзи кимсаларнинг табиати ғалати, чекланган, ғайришуурий бўлади. Улар нималарнидир орзу қилади, ана шу илинжлари йўлида виждонлари, иймонлари, эътиқодларини ҳам сотишга тайёр турадилар. Бундай одамларда на тоза фикр, на холис ният бўлади. Инсон чинакам инсон бўлиши учун унда одамийлик, диёнат, андиша, комил аҳлоқ ҳосиласи таркиб топиши лозим. Аниқки, мутаассиб террорчилар, оқидапараст экстремистлар, калтабин муҳолифотчилар бундай тушунчаларнинг «тилло томири»ни кўра олмайдилар. Дин аҳкомларини чалакам-чутти ёдлаб олган жангарилар, исломни қалқонга айлантириб, Шарқ фалсафасига тамал тоши бўлган Қуръонил-Карим суралари ва оятларини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Улар учун Аллоҳ калиматлари эмас, долларларнинг жарақ-жарақ жарангги ўн чандон азизроқдир.

Замонлар ўзгаради, ҳаёт ўзгаради. Эндиликда умумбашарий жараёнларга, яшаш тарзимизга торгина тирқишдан эмас, сарбаланд чўққилардан туриб нигоҳ ташлашимиз лозим. Юртбошимиз айтганларидек, «Оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нимаю, сохта оқидалар нималигини, ким пок ниятли ҳақиқий инсону, ким мунофиқ риёкор эканини яхши билади. Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда, бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда. Маълумки, ҳозир дунёда 1 миллиард 300 миллион одам ислом динига эътиқод қилади. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди». Нақадар ҳаққоний гаплар. Чиндан ҳам террорчи экстремистлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Шу ўринда «Томчи тошни тешади» деган зарбулмасални ҳам унутмаслигимиз лозим. Оқидапараст экстремистлар эса, дин ва дунёқарашини унутиб, хиёнат йўлига кириб, ана шу сароб орқасидан қувмоқдалар. Аммо, доно халқни, закий инсонларни алдаб бўлмайди.

Раҳимберди УМАРОВ.
(Давоми бор).

ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Россия ҳарбий-ҳаво кучларининг юк самолёти 8 октябрь куни Қирғизистон армияси учун ўқ-дори ҳамда қишки ҳарбий қийимдан иборат моддий-техник ёрдам келтирди, деб ёзади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбири, Қирғизистон Президенти матбуот котиби Канибек Иманалиев маълумотига таяниб.

Расмий маълумотларга кўра, Россия томони коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ равишда шундай ёрдам кўрсатмоқда. Ҳарбий-техникавий ёрдам Арманистон, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон томонидан ҳам кўрсатилмоқда, дейилади хабарда.

* * *

Очиқ айтиш керак, Тожикистон ўз ҳудудидаги жангарилларнинг Қирғизистонга ўтишига қарши ҳеч бир иш қилаётгани йўқ, деди Қирғизистон армиясининг бирлашган қуролли кучлари қўмондони, генерал Абдигул Чўтбоев РАТА-ТАСС ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида. Унинг айтишича, Тожикистондаги жангарилар Қирғизистон жанубидаги террорчиларга қурол-яроғ ва ўқ-дорини етказишда давом этмоқда.

Генералнинг таъкидлашича, ҳозир энг асосий масала ғаровдагиларни озод қилиш ва шундан сўнг террорчиларни батамом йўқ қилишдир. Биз учун қийинчилик туғдираётган асосий масала кескин ўт очишимиз керак бўлган нуқтада ғаровга олинганларнинг бор-йўқлигини билишдир. Айни пайтда, Зардоли ва Қўрғон қишлоқлари жангарилардан озод қилинган, улар қишлоқларда милиция ходимларини, маҳаллий ҳокимият вакилларини ҳамда ўқитувчиларни отиб ташлаган, деди А. Чўтбоев.

Ғувоҳларнинг айтишича, террорчилар масжидларда яшаган. Зардоли ва Қўрғон қишлоғи жангарилардан тозалангандан сўнг, улар истиқомат қилган масжидлар кўздан кечирилганда, у ерда наркотик модда қолдиқлари ва шприцлар топилган.

(ЎзА).

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Воқеалар тўлқинида

● АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Билл Клинтон яна бир бор мамлакат конгресси сенатини ядро синовини ялпи тақиқлаш ҳақидаги шартномани тезроқ тасдиқлашга чақирди.

● ФРАНЦИЯ президенти Жан Жак Ширакнинг Испанияга қилган ташрифи муваффақиятли ўтди. Олий даражадаги раҳбарлар билан бўлган музокараларда иккала давлат ўртасидаги ҳамда халқаро майдонда вужудга келган муаммолар муҳокама қилинди.

● ШУ ЙИЛНИНГ 1-2 ноябрь кунлари Норвегияда Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман иш бошлайди. Бўлажак учрашувларда Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат ҳамда Исроил бош вазири Ёҳуд Баракнинг иштирок этишлари кутилмоқда.

● ПАРАГВАЙНИНГ Сан-Педро департаментида АҚШ, Боливия ҳамда мезбон мамлакат ҳарбийлари иштирокидаги ўқув машқлари ниҳоясига етди. Унда уч мамлакатдан 300га яқин ҳарбий иштирок этди.

● УРДУН дарёсининг Ғарбий соҳили ва Ғазо минтақаси билан Исроил ўртасида «Ҳавфсизлик йўлаги» очиш борасида Фаластин билан Исроил ўртасида битим имзоланди.

● ИНТЕРПОЛ билан ЮНЕСКО ташкилотлари бебаҳо нодир санъат асарларининг ноқонуний савдосига қарши курашиш борасида ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Маълумотларга қараганда, биргина шу йилнинг июль ойида 10 мингдан ортиқ санъат асарлари ўғирланган.

● ЯДРО урушига қарши тиббиётчилар ассоциациясининг Белгиядаги ташкилоти НАТОнинг Овруподаги ҳарбий базаларида 200га яқин ядро бомбаси сақланаётганлигини ошкор қилди.

ЛЕБЕДНИНГ ЯНГИ «ПАРВОЗИ»

КРАСНОЯРСК губернатори Александр Лебедь яқинда Франция пойтахти Парижда чиқадиган «Фигаро» газетаси мухбири билан мулоқотда бўлиб, интервью берди. Мубоҳаса ўз йўлига, лекин, унинг шов-шуви жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчиларини лол қолдирди. Матбуот нашрларининг кўпчилиги бу воқеани «Лебеднинг янги парвози», деб таърифладилар.

А. Лебеднинг ғалати бир «фазилати» бор. У кўпинча мулоқотларда «теша тегмаган» гапларни айтишга ҳаракат қилади. Бу сафар ҳам у ўз одатидан четга чиқмади.

Красноярск губернаторининг фикрича, кейинги пайтларда Москва, Санкт-Петербург, Волгодонск, Буйнакск сингари жойлардаги аҳоли биноларини портлатишда, сўзсиз, Кремлнинг қўли бор. Бу вайронагарчиликларни махфий хизмат ходимлари атайлаб уюштирганлар. Чунки, РФ президенти Б. Ельцин ва унинг аъёнлари жўрттага мамлакатда тартибсизликлар ва саросималиклар келтириб чиқариб, «бўлажак парламент ва президентлик сайловларини йўққа чиқармоқчилар ва шу тариқа ҳокимият тепасида қолмоқчилар». Агар бу ишларда чеченларнинг иштироки бўлганда, улар ўз ғазабларини тинч аҳолига эмас, ички ишлар вазирлиги биноларига, Федерал Хавфсизлик Хизмати маҳкамаларига, қурол-аслаҳалар омборларига ва атом электр станцияларига қаратган бўлардилар. Турар-жой биноларини портлатиш эса сайловчига қараб «сен овоз бериш хонасига борма, акс ҳолда бюллетен қутичаси билан осмонда парвоз қиласан» дейиш билан баробардир.

Бугина эмас. А. Лебеднинг фикрича, Кремль билан Чеченистон дала қўмондони Шамиль Басаев ўртасида «алоҳида келишув» бор эмиш. Чунки, Ш. Басаев «КГБнинг эски воқеанависидир». У ҳамон махфий идораларга хизмат қилишда давом этмоқда. А. Лебедь бошқа масалаларда ҳам анчагина алаҳсиради. Лекин, ҳозирча Россия Федерациясининг юқори даврадаги арбобларидан бирортаси А. Лебедь мулоҳазаларига қарши лом-мим деганича йўқ.

ЎРИН БИТТА, НОМЗОД ЎН БИТТА

БМТнинг нуфузли ташкилотларидан бири бўлган ЮНЕСКО фаолиятида ҳадемай янгиликлар бўлиши кутилмоқда. 18-22 октябрь кунлари ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши яширин овоз бериш йўли билан мазкур халқаро ташкилотнинг янги раҳбарини сайлайди. Шу муносабат билан куни кеча Бош директорликка ўн бир нафар кишининг номзоди эълон қилинди. Номзодларнинг аксарияти ривожланаётган мамлакатлар, Марказий ҳамда Шарқий Оврупо давлатлари вакилларидир. Сайловда ғолиб чиққан номзод ЮНЕСКО сессиясида Бош котиблик лавозимига тасдиқланади. Ташкилотнинг айни пайтдаги раҳбари Федерико Майорнинг ваколати 14 ноябрда тугайди.

ИНТЕРФЕТ ТИМОРДА

БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Шарқий Тиморга халқаро тинчликни сақлаш кучларининг янги гуруҳини киритишни режалаштирмоқда. Улар декабрь ойи охирларигача мўлжалланган минтақаларга етиб боришлари лозим. Мазкур гуруҳ ҳозирда Австралия раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган кўп миллатли ИНТЕРФЕТ ҳарбий кучлари ўрнини эгаллайди. Австралия ташқи ишлар вазири Александр Давнернинг маълум қилишича, янги ҳарбий гуруҳнинг сони 9 минг нафарга етади.

ИНТЕРФЕТнинг аввалги кучлари Шарқий Тиморга ўтган ойда киритилган эди. Айни пайтда ўлкада 4,6 минг ҳарбий тинчликни сақлаш тадбирларида иштирок этаётир. Уларнинг 3,5 минг нафари австралияликлардир.

БМТ бош котиби Кофи Ананнинг баёнотига қараганда, Шарқий Тиморга киритиладиган янги ҳарбий кучлар уч йил мобайнида фаолият кўрсатадилар. Жанговар кучлардан ташқари у ерга 200 нафар ҳарбий кузатувчи ва 1,6 мингдан ортиқ полиция маҳкамаси вакиллари ҳам киритилиши кўзда тутилмоқда.

Бу дунёнинг ИШЛАРИ

● ЛИТВАНИНГ Паневежис шаҳрида яқинда антиқа мусобақа бўлиб ўтди. Мамлакатнинг турли бурчакларидан келган 42 нафар кашанда ким узоқ тамаки трубкасини чекиш бўйича беллашдилар. «Кураш» охирида паневежислик эр-хотин Вацловас ва Лина Лукенасларнинг ғолиб чиққанлиги эълон қилинди. Вацловас бир соат 47 дақиқа 20 сония давомида трубкани бурқситиб турди. Лина эса аёллар гуруҳида 1 соат 7 дақиқа 20 сония давомида тутун «пуркади». В. Лукенас аввалги чемпион вильнюслик Альгемантас Ляквичюснинг ютуғини 3 дақиқага яхшилади.

● ЛОНДОН қиморхоналарида ҳар куни «хирмон-хирмон» пуллар айланади. Кимдир ютади, кимдир ютқазади. Яқинда австралиялик миллиардер Кэрри Паркер деган одам 11 миллион фунт стерлинг ютқазиб қўйди. Лекин, у пинагини бузмади. Чунки, унинг умумий бойлиги 1,5 миллиард фунт стерлингдан зиёддир. Аммо, сал аввал Лас-Вегасдаги «Гранд Казино»да унинг омади келган эди. Ушанда у 20 миллион доллар ютиб олган эди... Қиморхонада таомил шундай... Гоҳ чиққа, гоҳ пукка. К. Паркер бу гапнинг тўғрилигига ишонди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ТЕЛЕ кўрсатувлар дастури

ДУШАНБА, 11

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 Лирик тароналар.
9.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.45 Кундузги сеанс. «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.35 «Шоҳруҳ» клуби.
13.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Қушлар». Премьера.
13.20 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
14.10 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
14.30 «Жавҳар».
14.50 «Мусиқа ва замон».
15.20 «Оила». Тележурнал.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 21-қисм.
16.00 «Маърифатнома».
16.30 «Ўғил бола гап». Бадиий фильм.
18.10 «Бир қадам...»
18.30 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Марказий сайлов комиссияси-да».
21.30 «Назм ва наво». Бобур лирикаси.
22.15 «Озод ва обод юрт».
22.35 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 88-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.55 «Маънавият» дастури.
00.35 «Тўртинчи доирадаги бир кеча». Бадиий фильм.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади...
18.30 Миллионлар ўйини.
18.45 «Остонадаги орзулар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида...
19.35 «Даврə»-интервью».
19.50 «Бир жуфт қўшиқ».
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.20 «Менинг орзуим».
20.25, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Буюк юрт фарзандиман».
21.20 «Марду-майдон».
21.40 «Аждодлар хотираси». Алпомиш достонининг 1000 йиллиги олдидан.
21.55 «Ёшлар» телеканалида...
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Теннис.
00.15 «Янги тонг!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 29-30 серия-лар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз!»
20.00 «Ёшлар ҳудуди».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Чанг тароналари». Фильм-концерт.
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Сухбатдош».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 «Спорт оламида».
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Кинонигоҳ. «Д' Артаньян ва уч мушкетёр». 2-серия.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

РЖТ 6.30 - 8.00
14.00 - 15.05 Туркия телевидениеси
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.35 «Бинафша».
15.55 «Ҳазил кубоги-99». 2-қисм.
16.25 «Мультчарҳпалак».
16.40 «Интернет ҳудуди».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Уорлднет» янгиликлари.
18.00 «Сени излайман».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Тап тортмаслар». Телесериал.
21.35 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Дил изҳори».
21.45"Спорт-клуб».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Севимли Раджа». Бадиий фильм.
01.10 «Ахборот» (рус тилида).
01.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 13

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Ер ва диёр тароналари».
9.15 «Устоз».
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
«Умид» намойиш этади:
10.30 «Шоирлар — болаларга».
10.55 «Умид учқунлари». Тележурнал.
11.10 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
12.05 «Юртим жамоли».
12.25 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.00 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
13.35 «Болаларга бахшида умр».
14.10 «Энг оддий ҳикоя...»
14.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мумтоз наволар». Премьера.
15.15 «Экология ва ҳаёт».
15.35 Ватан тимсоллари.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 23-қисм.
16.00 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
16.15 «Саҳна ҳаёти».
16.40 Болалар учун. «Сени Ватан кутади!»
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Суғдиёна». «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - Янгиликлар.
18.50 «Фермер».
19.05 «Сайловчи минбари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ,21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Кўшикла ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
«Умид» намойиш этади:
22.00 «Баркамол авлод орзуси».
22.25 «Буюк келажак ёшлар қўлида».
23.00 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 89-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20 Экранда — кинокомедия. «Кўпик».
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади...
18.40 «Далил ва шарҳ».
18.55 «Мусиқий ҳаҳзалар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида...
19.35 «Даврə» - интервью».
19.50 «Дил рози». Мусиқий дастур.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Рақслар қанотида».
20.55 «Танишинг: Гўзал Аҳмедова».
21.10 «Эркин фикр».
21.25 «Мусиқий ҳаҳзалар».
21.30 «Рақурс».
21.50 «Каталог».
21.55 «Ёшлар» телеканалида...
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
Интерфутбол.
00.45 «Хит-коллекция»
01.05 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 31-32 серия-лар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз!»
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».
20.20 «Мусоҳаба».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайлов ва ҳаёт».
21.20 «Мусиқий дақиқалар».
21.45 «Уруш ва тинчлик».
22.05 «Маргилон ипаги». Телефильм.
22.15 «Аждодлар хазинасидан».
22.25 «Куз ҳаёллари».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Д' Артаньян ва уч мушкетёр». 3-серия.
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

РЖТ 6.30 - 8.00
14.00 - 15.05 Туркия телевидениеси
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Болалар олами».
15.55 «Ҳазил кубоги-99». 3-қисм.
16.25 «Мюзик-холл».
16.40 «Мультчарҳпалак».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Уорлднет» янгиликлари.
18.00 «Инсон ва қонун».
18.45 «Севги йўлида». Телесериал.
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Тап тортмаслар». Телесериал.
21.35 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Дил изҳори».
21.45 СНН-шоу.
22.00 «Вести».
22.30 «Кино сайёраси».
22.45 Кинематограф. «Жонгинам». Бадиий фильм
23.55 «Ахборот» (рус тилида).
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 14

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Рақслар гулдастаси».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 89-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Япон тили».
10.30 Кундузги сеанс. «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм.
12.05 «Сайловчи минбари».
12.25 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
12.50 «Келажак уфқлари».
13.10 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.30 «Бу олам саҳнида». М. Салимов.
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.35 «Меҳригиё».
14.55 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
15.25 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 24-қисм.
16.00 «Сайқал».
16.20 «Москва кўз ёшларига ишонмайди». Бадиий фильм.1-серия.
17.30 Ватан тимсоллари.
17.35 «Шеър ва шуур».
17.45 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Кўзгу».
18.25 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
18.40 «Таянч нуқтаси».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Алпомиш» достонининг 1000-йиллигига. «Алпомиш изидан». Видеофильм премьераси. 1-қисм.
22.00 «Шифокор маслаҳати».
22.10 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
22.45 «Сомон йўли».
23.15 «Ахборот».
23.45 «Аблаҳ». Бадиий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 89-қисм.
18.55 «Мусиқий ҳаҳзалар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида...
19.35 «Даврə» - интервью».
19.50 Мусиқий ҳаҳзалар.
20.00 «Мезон».
20.20 «Истиклолни куйлайман».
20.25, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Мусиқий ҳаҳзалар».
21.05 «Ўтган кунлар».
21.30 «Қалбим ардоғи». Мусиқий ҳаҳзалар.
21.40 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
21.55 «Ёшлар» телеканалида...
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури:
(«Интерфутбол», «Спорт қитъаси»)
01.15 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.20 «Мусиқий ҳаҳзалар».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 33-34 серия-лар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз!»
20.00 «Ҳанда дўкони».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Яхши қайфият».
21.45 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.00 «Сарафроз». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Катта талант».
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

РЖТ 6.30 - 8.00
14.00 - 15.05 Туркия телевидениеси
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.35 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
15.55 «Миср сирлари». Ҳужжатли фильм.
16.25 «Мультчарҳпалак».
16.40 «Бу ажиб дунё».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Уорлднет» янгиликлари.
18.00 «Икки рояль».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Тап тортмаслар». Телесериал.
21.35 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Дил изҳори».
21.45 СНН-шоу.
22.00 «Вести».
22.30 «Кино сайёраси».
22.45 Кинематограф. «Жонгинам». Бадиий фильм
23.55 «Ахборот» (рус тилида).
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 15

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб». Мусиқий дастур.
9.15 «Инсон — ҳаёт гултожи».
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 Кундузги сеанс. «Муқаддима». Бадиий фильм.
12.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
«Умид» намойиш этади:
12.40 «Очиқ дарс».
13.00 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
13.20 «Алпомиш» достонининг 1000-йиллигига. «Алпомиш изидан». Видеофильм. 1-қисм.
13.40 Ўзбек куйларидан концерт.
14.10 «Сомон йўли».
14.40 «Озод юрт одамлари».
15.00 «Теран томирлар».
15.20 «Шарқ куйлари».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 25-қисм.
16.00 «Кодекс».
16.20 «Москва кўз ёшларига ишонмайди». Бадиий фильм. 2-серия.
17.40 «Ифтихор».
18.10 Болалар учун. «Юлдузча шоу».
19.00 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайловлар ва биз».
21.35 «Кўнгил тароналари». Мусиқий дастур.
21.55 «Маърифатнома».
22.00 «Алпомиш» достонининг 1000-йиллигига. «Алпомиш изидан». Видеофильм премьераси. 2-қисм.
22.40 Андижон одимлари.
23.00 «Жиловланмаган Африка». Телесериал премьераси.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Худа-бехуда гаплар». Бадиий фильм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади...
18.40 «Ёшлар ва маънавият».
18.55 «Мусиқий ҳаҳзалар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида...
19.35 «Даврə» - интервью».
19.50 «Мусиқий ҳаҳзалар».
20.00 «Аср қиёфаси».
20.15 «Автосалтанат».
20.25, 20.55, 23.20 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Мусиқий ҳаҳзалар».
21.05 «Азизим».
21.45 «Жаҳолат бекати».
21.55 «Ёшлар» телеканалида...
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. «Ринг қироллари».
23.25 Синема. «Кундузги чирок».
01.00 «Жаҳон эстрадаси».
01.15 «Мунаввар тонг истаб».

ЎзТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.10 «Кўнгил тароналари».
9.30 Болажонлар экрани. «Пеппи — узун пайпоқ». 2-серия.
10.35 «Спорт оламида».
10.50 «Яна бир учрашув».
11.20 «Ёввойи табиат».
12.10 Ёқимли оҳанглар.
12.30 Кинонигоҳ. «Катта талант».
13.45-14.00 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.

* * *

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.20 «Мингбулоқ мамлакати». Манзарали фильм.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 35-36 серия-лар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз!»
20.00 «Кулишни унутманг».
20.15 Катталар учун эртак.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Рақслар жилоси».
21.45 «Маслаҳат, даволаш, саломатлик». Бевосита мулоқот.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Камёб». (Болгария)
01.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

РЖТ 6.30 - 8.00
14.00 - 15.05 Туркия телевидениеси
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Тенгдошлар».
16.00 «Спорт-клуб».
16.15 СНН-шоу.
16.30 «Мультчарҳпалак».
16.45 «Океан ортига саёҳат. Япония».
17.00 «Монте-Карлони эслаб...».
18.00 Ҳужжатли детектив.
18.30 «Ширин воқеалар».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 Время.
20.55 «Тап тортмаслар». Телесериал.
21.40 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
22.35 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.40 Кинематограф: Чак Норрис «Жанг майдонидан қайтмаганлар» фильмида.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 16

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 «Зийнат».
10.00 Телевизион миниатюралар театри.
«Умид» намойиш этади:
10.35 «Орзулар қанотида».
10.55 «Янгиланиш».
*
11.15 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
12.05 «Сайловлар ва биз».
12.35 Эстрада тароналари.
13.00 «Шарқнинг машҳур аёллари».
13.20 «Алпомиш» достонининг 1000-йиллигига. «Алпомиш изидан». Видеофильм. 2-қисм.
13.40 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 1-серия.
14.50 «Келин-куёв». Телешоу.
15.40 «Ринг». Спорт дастури.
16.00 «Кузги марафон». Бадиий фильм.
17.30 «Бир наво истар кўнгил». А.Курбонов.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
21.50 «Алпомиш» достонининг 1000-йиллигига. «Алпомиш изидан». Видеофильм премьераси. 3-қисм.
22.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «Бухоро».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
22.55 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Беназир». Бадиий фильм. 1-серия.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Беназир». Бадиий фильм. 2-серия.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади...
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 88-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
11.00 Мунис ҳаҳзалар.
11.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.30 Тинчлик маданияти.
11.50 Эски альбомдан.
11.55 Кинотақдим.
12.15 «Мусиқий ҳаҳзалар».
12.25 «Рамаяна». Телесериал.
13.00 «Ҳайрат».
13.20 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
13.30 «Остонадаги орзулар».
13.50 «Спорт қитъаси». Теннис.
14.20 Шу куннинг мавзуси.
14.40 «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
15.25 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
15.55 «Ёшлар» телеканалида...
16.00 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».

* * *

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади...
18.35 «Кутилмаган меҳмон».
18.55 Эски альбомдан.
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида...
19.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил...»
19.55 «Матбуот».
20.05 «Мусиқий ҳаҳзалар».
20.10 «Бизнес-академия».
20.30, 21.10, 23.10 Эълонлар.
20.35 «Рамаяна». Телесериал.
21.15 Эски альбомдан.
21.20 «Сир».
21.40 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
21.55 «Ёшлар» телеканалида...
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «Эколаш». Дам олиш кўрсатуви.
22.50 Мафтункор чеҳралар.
23.15 Синема. «Роб Рой»
01.15 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз!»
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Ҳанда дўкони».
9.55 Болажонлар экрани. «Қизил қор ёққанда».
11.10 «Ёшлар ҳудуди».
11.40 «Ибрат».
12.10 «Жозиба».
12.30 Болалар учун. «Уйинленд». Телеўйин.
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Устозлар, мураббийлар».
13.55 «Муаллиф».
14.25 «Комертон».
14.45 Кинонигоҳ. «Камёб».
16.05-16.50 «Дўстлик» видеоканали. «Бизнес мирас», «Сахий ҳонадонда».

* * *

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Сеҳрли сандиқча».
18.25 «Ёшлар кучасида».
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 37-38 серия-лар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз!»
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамшаҳарлар».
21.35 «Даллас». Телесериал.
22.25 «Ишдаги ишқ ёки...».
22.50 «ДАН хабарлари».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар
23.15 Кинонигоҳ. «Имконият чўққиси» (Англия)
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси»
9.20 Кинематограф. «Жанг майдонидан қайтмаганлар». Бадиий фильм.
10.50 «Болалар олами».
11.05-12.55 «Ойдан тушган малика». Бадиий фильм.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
18.25 «Бу ажиб дунё».
18.40 Мюзик-холл.
19.10 «Икки рояль».
20.00 «Время».
21.00 Жаҳон киноси. Сильвестр Сталлоне «Жон жаҳди билан» жангари фильмида.
22.45 «Дил изҳори».
22.55 Кинематограф. «Қоҳиранинг қирмизи атиргули». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 17

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Мусиқий дастур.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Даврнинг узилмас ришталари».
9.45 «Ғаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!»
11.00 «Болалигим — пошшолигим»
11.20 «Ўйла, изла, топ!» Телебеллашув.
*
12.05 «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига. «Алпомиш изидан». Видеофильм.
12.25 «Шоҳруҳ» клуби.
12.55 «Кулги-терапия».
13.20

«Алпомиш» достонининг тўйи олдидан

МУНОСИБ ТЎЁНА

Халқимизнинг буюк шоири, мутафаккири Алишер Навоий жамики, жонли-жонсизларни яратган улуғ зот — Оллоҳга шукроналар ҳамда ҳамду санолар айтар экан: «Барчасини гарчи латиф яратдинг, барчасидан инсонни шариф яратдинг», деб ёзган эди. Дарҳақиқат, инсон Оллоҳ яратган барча мўъжизалардан мўъжизалироқ, неъматлардан неъматлироқ, ҳаёт гули, борлик кўрки, гўзаллиги, тароватидир. Унинг қадри сарбаланд. Яратган ижоди — донишмандлик тимсоли, безавол ва порлоқ қуёшдир. Миллатнинг маърифат гулшани ана шу шамси анвар — донишмандлик тафтидан нур эмиб яшаган, яшайди.

«Алпомиш» эпоси ҳам Инсон яратган донишмандликнинг зарҳал саҳифаларидан биридир. Мазкур достон ўзбек халқи ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутади. У бизнинг кунларимизда ҳам миллатнинг ўз-ўзини англаши, маънавий юксакликка кўтарилиши, бамисоли тафаккур қайроғи, миллий ғурур, миллий виждон, ор-номус рамзи бўлиб қолаверади. Кишилар, хусусан, ёшлар миллат менталитети, яъни обрў-эътибори, нуфузини, қадриятларимиз қадрини, бадиий-эстетик даҳосининг мукаммаллигини ана шу асар ва шунга ўхшаш бошқа достонлардан ўрганиб оладилар. Демак, «Алпомиш» ғоялар, фикр-мулоҳазалар жамламаси, гўзаллик, нафосат сарчашмаси, ёшлик, ишқ-вафо ва қаҳрамонлик рамзи.

Яқинда «Меҳнат» нашриётида юксак нашрий асосда, қалин муқовада, олий даражали қоғозда, шунингдек, катта ҳажмда босилиб чиққан «Алпомишнома» китобини варақлар эканмиз, кўнглимиздан ана шу гаплар кечди. Китоб Тошкент Давлат Маданият институтининг профессори Малик Муродов ва унинг шогирди Қарши Давлат университетининг доценти истеъдодли олим Абдуолим Эргашев билан ҳамкорликда ёзилган. Унда қамраб олинган материаллар «Алпомиш изидан» халқаро мунтазам илмий экспедицияси қарийб икки йил ичида Жанубий Ўзбекистон минтақаси бўйлаб олиб борган изланишларида қўлга киритган оригинал, ҳали фанга маълум бўлмаган фольклор намуналаридир. Китобнинг дунёё юзини кўришида Сурхондарё вилояти Шароф Рашидов номидаги Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти (раиси Омон полвон Бекназаров) ҳиммат-саховати ила ҳомийлик қилгани таҳсинга сазовор.

Китоб уч асосий фаслдан иборат. Биринчи фасл «Алпомишни излаб»... деб аталиб, унда юқорида эсланган илмий сафарда олиб борилган изланишлар ва қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўз боради. Муаллифлар сал кам икки йил давомида Сурхондарёнинг деярли барча қишлоқларида бўлиб, Алпомиш изларини изладилар. Дастлабки натижалар ёмон бўлмади. Ўзларини Алпомиш авлодидан деб билувчи ва бунга қаттиқ ишонувчи кексалар достондаги қаҳрамонлар руҳияти билан яшайдилар. Уларнинг оғзидан эпос қаҳрамонлари ҳақида кўплаб каттакичик афсона-ривоятлар ёзиб олинди. Кўлқамиш, Аждар тепа, Бештепа, Қурғонзов, Жийдали, Бойди, Каттакамар, Туякамар, Бужуркамар, Кичкинакамар, Терскайкамар, Туйниккамар сингари жой номлари ҳақидаги ҳикоя-афсоналар, «Шаҳан йўлбарс», «Келинчак», «Товканинг қўрғони», «Алпомиш чоҳи», «Барчин супа», «Таллашган», «Тиловтепа», «Чилвир чўли», «Калламадар», «Халинчактепа» каби ўнлаб ривоятлар шулар жумласидандир.

Иккинчи фасл — «Алпомишнинг Сурхон талқини»да мавзулар ранг-баранглиги, тадқиқот ва янгилик йўсини, фанга ҳали маълум бўлмаган манбалар доираси кенглиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан «Алпомиш»нинг сурхондарёлик куйчилари Қора бахши Умир ўғли, Хушвақт Мардонақул ўғли, Чоршанба Раҳматилла ўғли, Чори Умир ўғли, Абдунор Поён ўғли каби бахшилардан ёзиб олинган «Алпомиш», «Ёдгор» достонларидан парчаларнинг ҳам илк бор эълон қилиниши ниҳоятда диққатга сазовор. Муаллифларнинг изланишлари давомида «Алпомиш» туркум достонлардан иборат эканлигини аниқлашларини чинакамига кашфиёт дейиш мумкин.

Демак, китобдаги қайдлардан англаймизки, Алпомиш туркуми фақат шу номдаги ва «Ёдгор» достонларидангина иборат бўлмасдан, ўз ичига «Бева Барчин ёки Барчин Бека», «Йўлчибой» (Худоёр), «Шомурод» ва бошқа бир қанча мустақил достонларни ҳам олади. Бу ҳол, Жанубий Ўзбекистонда Алпомиш достони умумхалқ эпосининг янги тарихий шароитда ривожланганлиги, маҳаллий халқ эҳтиёжи, истак-талаби, бахши-шоирларнинг ижод-ижродаги бадиҳагўйликлари каби бир қанча сабаблар натижасида ўз бошидан, ҳатто, сифат ўзгаришларни кечирганлигининг исбот-далилидир, дейиш мумкин.

Китобнинг учини фасли бошдан-оёқ бир тасодиф туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмган XX асрнинг буюк достончиси Қодир бахши Раҳим ўғлининг ҳаёти, достон қуйлаш санъати, дўмбира чертиш маҳорати ва аҳлоқий-руҳий, маънавий-маърифий, таълим-тарбия ҳақидаги дидактик асарлари, репертуаридаги достонлардан баъзи бирларининг илк бор, йирик планда илмий таҳлилига бағишланган. Бу фаслни китобнинг асосий таянчи деб англаш мумкин.

Китоб сўнгида эса, Сурхондарё, Қашқадарё достончилик мактабларининг устозшогирдлик анъанасини акс эттирувчи шажаралар берилган. Унда икки вилоятдаги Шеробод, Бойсун (Кофрун), Бешкўтон ва бошқа достончилик мактабларининг XVII асрнинг охиридан XX аср сўнгигача яшаб ижод қилган ва ҳозирда ҳаёт бўлган 250 дан ортиқ бахши-шоирлар номи, яшаш жойи акс этган шажараларнинг берилиши ҳам китобнинг илмийлигини оширган, мазмунини теранлаштирган.

«Алпомишнома» туркумига кирган 5 китобнинг 1-чиси — «Сурхондарё талқини» беқиёс меҳнат, узоқ вақт олиб борилган кузатувлар, сўраб-суриштиришлару, текширишлар оқибат-натижасида юзага келган, фольклоршунослигимизда ўзига хос янги услубда ёзилган оригинал китоблигини ва у фанимизда воқеа бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Унинг қолган жилдларини ҳам тез фурсатларда ўқиш орзуниятидамиз.

Абдухалил МАЪРУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Мансур БЕКМУРОДОВ,
ижтимоий фанлар доктори, профессор.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

БОКСЧИЛАР БЎШ КЕЛИШМАДИ

Ўзбекистон боксчилар командасининг ғалабаси шу кунларда Бишкекда ўтаётган Марказий Осиё ўйинларида унитилмас воқеа бўлди.

Финалда боксчилар ўртасидаги кураш айниқса қизғин тус олди. Ўзбекистонлик беш боксчи — Темур Тўлаков, Икром Бердиев, Темур Иброҳимов, Рустам Саидов ва Лазизбек Зокиров олтин медални олишга муваффақ бўлди.

Финал мусобақаларида иштирок этган Ғайрат Аҳмедов билан Тўлашбой Дониёров эса кумуш медал билан тақдирланди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма командасининг қолган аъзолари Бекзод Хидиров, Қайрат Бейсекулов, Асқар Султонов, Жўрабек Набиев ва Шерзод Ҳусанов бронза медали билан кифояланишди. Барча боксчилар Ўзбекистонга медал билан қайтади.

(ЎзА).

ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРИ

Бишкекда ўтаётган учинчи Марказий Осиё ўйинлари доирасида юнонча-румча кураш бўйича турнирда ўзбекистонлик спортчилар жуда яхши натижа кўрсатишди. Улар учта олтин, учта кумуш ва иккита бронза медалини олишга муваффақ бўлдилар.

Аслиддин Худойбердиев, Руслан Биктяков ва Евгений Ерофайлов ўз вазн тоифасида ғолиб бўлиб, олтин медалларни қўлга киритдилар.

Ўзбекистонлик Андрей Абдувалиев болға улоқтиришда ғалаба қозониб, олтин медал соҳиби бўлди. Сергей Воинов эса найза улоқтиришда командамизга яна бир олтин медал келтирди.

Ҳозир Ўзбекистон делегацияси ҳисобида 13та олтин, 20та кумуш ва 22та бронза медал бор.

(ЎзА).

Футбол

«ОЛМАЛИҚ» – ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНИ

Республикада биринчи бўлиб старт олган футбол бўйича вилоят чемпионати якунланиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланди

МУСОБАҚАЛАР бошқа вилоятлардан фарқли ўлароқ республика чемпионати олий табақа жамоаларидаги каби ўринбосарлар таркиби билан бирга ташкил этилди. Бу ҳар бир жамоада ёш, истеъдодли футболчиларни тарбиялаб бориш имконини бермоқда.

Биринчилик бошида тахмин қилинганидек, ғолиблик учун кураш асосан бешта жамоа ўртасида қизғин давом этди. Таркибида бир қатор тажрибали ўйинчилар жамланган «Олмалиқ» жамоаси мавсум давомида бирдек чиройли ўйин кўрсатиб, биринчилик ғолиби бўлди. Бунда жамоа мураббийси С.Медянскийнинг хизмати катта бўлди.

В.Куринний устозлик қилган Бекободнинг «Цементчи» жамоаси иккинчи ўринни эгаллаб, илгари вилоят кубогини қўлга киритганлиги бежиз эмаслигини исботлади. Энди жисмоний тарбия жамоалари ўртасида ўтказиладиган республика кубоги мусобақаларида Бекободнинг иккинчи жамоаси — «Цементчи» ҳам иштирок этадиган бўлди.

Бу йил ташкил топган Оҳангаронинг «Қорахитой» жамоаси мухлислар ишончини оқлаб, биринчиликда совринли учинчи ўринни эгаллади. Жамоанинг моҳир ҳужумчиси Шерзод Солиев жами 36та тўп киритиб, тўпурарлар баҳсида пешқадам бўлди.

Бир пайтлар республикада донг таратган Халқободнинг «Соҳибкор» жамоаси қайта тикланганлиги кўпчиликни қувонтирган эди. Ушбу жамоа ҳам мусобақаларда чиройли ўйин кўрсатиб, кучли бешликдан жой олди.

Равшан МУСУЛМОНОВ.

Вилоят биринчилигининг якуний жадвали

ЖАМОАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Олмалиқ» (Олмалиқ)	28	22	2	4	104-26	68
2. «Цементчи» (Бекобод)	28	21	4	3	93-19	67
3. «Қорахитой» (Оҳангарон)	28	20	5	3	107-24	65
4. «Оҳангарон-С» (Оҳангарон)	28	21	1	6	91-28	64
5. «Соҳибкор» (Халқобод)	28	20	0	8	89-36	60
6. «Янгийўл» (Янгийўл)	28	14	1	13	61-51	43
7. «Эшонгузар» (Зангиота)	28	12	3	13	60-66	39
8. «Соҳибкор» (Зангиота)	28	12	0	16	44-64	36
9. «Паркент» (Паркент)	28	11	2	15	63-77	35
10. «Тўйтепа» (Ўртачирчиқ)	28	10	0	18	46-101	30
11. «Ғалаба» (Қуйичирчиқ)	28	9	3	16	44-64	30
12. «Оққўрғон» (Оққўрғон)	28	8	5	15	48-60	29
13. «Аланга» (Қибрай)	28	6	4	18	37-101	22
14. «Истиқлол» (Пскент)	28	6	0	22	32-106	18
15. «Бўкалик» (Бўка)	28	2	2	24	35-132	8

СПОРТДА ФАОЛЛАР ҒОЛИБ ЧИҚАДИ

Вилоят шаҳар ва туманлари ўртасида вилоят ўйинлари мусобақалари бўлиб ўтди

ҚАЙСИ даражада ўтказилишидан қатъий назар, ўйинлар шундай мусобақа турики, жамоалар қанча кўп вакили билан иштирок этса, шунча кўп очко тўплаш имкониятига эга бўлади. Фақат битта шарти шуки, спортчилар маҳоратли бўлишлари керак. Бўлиб ўтган вилоят ўйинларининг якуни ҳам бу фикрнинг тўғрилигини исботлади.

ЧИРЧИҚ шаҳри жамоаси вилоят ўйинлари мусобақаларига масъулият билан ёндашиб, белгиланган ўнта тур бўйича энг кўп ва етук спортчилари билан қатнашди. Шу боис сузиш ва теннис туридан иккинчи, стол теннисидан эса учинчи ўринни эгаллаб, қолган барча мусобақаларда биринчиликни қўлга киритди ва 296 очко жамғарган ҳолда вилоят ўйинлари ғолиби бўлди. Иккинчи ўринни эгаллаган Ангрен шаҳар жамоаси ҳам дастурга киритилган спорт турлари бўйича совринли ўринларни эгаллаб, умумий якунда 284 очко тўплади. Учинчи совринли ўрин эса Оҳангарон шаҳри жамоасига насиб этди.

Бекобод шаҳар жамоасининг энг сўнгги олтинчи ўринда қолганлиги табиий ҳолдир. Чунки улар бор-йўғи спортнинг баскетбол тури бўйича қатнашиб, унда ҳам сўнгги ўринни эгалладилар. Вилоят туманлари спортнинг саккиз тури бўйича беллашдилар. Шундан Оққўрғон тумани 7, Бўка тумани 6, Чиноз тумани 5 тур бўйича иштирок этди. Бинобарин, энг кўп тур бўйича қатнашган оққўрғонликлар 211 очко жамғариб, вилоят ўйинлари ғолиби бўлишди. Бўкаликлар 261, чиноэликлар 158 очко билан иккинчи ва учинчи совринли ўринларни эгаллашди.

Афсуски, вилоят ўйинлари ҳамма шаҳар ва туманларда ҳам спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиб туришга бирдек масъулият билан муносабатда бўлинмаётганини кўрсатди. Аксарият туман жамоалари «қатордан қолмаслик» мақсадида фақат 2-3 спорт тури бўйича хўжакўрсинга қатнашдилар, холос. Бекобод, Пскент, Тошкент ва Янгийўл туманлари спорт мутасаддилари эса, ҳатто, вилоят ўйинларида иштирок этишни ўзларига эп кўрмадилар ҳам.

Самад ЙЎЛДОШ.

ТЎҚҚИЗНИНГ ТЎҚСОН ХИСЛАТИ

ОЛАМНИНГ чексизлиги каби сирли олам «сандиғи»нинг жавоҳирлари ҳам жуда кўп. Табиатдаги жонли мавжудотнинг гултожи инсон бўлиб, рақамлар ҳам шу инсон онгининг маҳсули. Сонларнинг буюк шоҳи 9 ва унинг хислатлари ҳақида, тўла бўлмасада, баъзи маълумотларни сиз муштарийларга ҳавола қилмоқдамиз.

«Араб рақамлари», деб аталувчи 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 рақамлари Оврупо мамлакатларида Рим папаси Сильвестер II (999-1003) буйруғи билан жорий этилган. Аслида бу рақамларни Муҳаммад Мусо Хоразмий ҳинд рақамлари асосида ишлаб чиққан эди. Сильвестергача ўта ноқулай рим рақамларидан (XXXXIV, XXXXXVIII ва ҳоказо) фойдаланилган. Рим папасига келсак, у ёшлигида Испанияда таълим олган, араб тилини билган, ўз замонасининг ўқимишли одами бўлган. Ҳозир бу рақамларсиз ҳисоб-китоб, иқтисод, қурилиш, хуллас, оламдаги нарса ва ходисаларни ўрганиб бўлмайди.

Математика нуқтаи назаридан олсак тўққизга қайси сонни кўпайтирилса, йиғинди бир-бирига қўшилса тўққиз чиқаверади:

9 x 2 = 1 8 = 1 + 8 = 9 ,
9 x 3 = 2 7 = 2 + 7 = 9 ,
9 x 4 = 3 6 = 3 + 6 = 9 ,
9 x 5 = 4 5 = 4 + 5 = 9 ,
9 x 6 = 5 4 = 5 + 4 = 9 ,
9 x 7 = 6 3 = 6 + 3 = 9 ,
9 x 8 = 7 2 = 7 + 2 = 9 ,
9 x 9 = 8 1 = 8 + 1 = 9 .

Фалакшунослар қуёш атрофида турли масофа ва вақт оралиғида айланувчи 9та сайёранинг мавжудлигини аллақачон аниқлашган. Ер шарининг Қуёш атрофида айланиши 365 кун 4 соат бўлиб, 3+6=9, учинчи қолган сонга 4ни қўшсак, яъни 5+4=9 чиқади. Бир сутка 24 соат бўлиб уни 60 дақиқага кўпайтирсак=1440=1+4+4=9 бўлади.

Қуръони-Каримда ҳам «9» рақамига алоҳида аҳамият берилади. Инсонни дунёга келишида ҳам 9 сони муҳим ўрин эгаллайди. Тўлақонли туғилган боланинг она қорнидаги ривожланиш даври 9 ой, 9 кун, 9 соат, 9 дақиқа, 9 сонияга тенг. 9ни 5та такрорланиш сонига кўпайтирсак 45 ҳосил бўлади, 4+5=9 чиқади. Инсон ҳаётида муҳими «Пайғамбар ёши» бўлиб 63=6+3=9 келиб чиқади ва ҳар бир мусулмон бу ёшга етганда элга ош бериб, шукрона қилади. Ўғлини уйлантиришда, чимилдиқли уйда 9 товоқ, 9 хил овқат тортилиши ҳам бежиз бўлмаса керак. Ҳозир рўза тутишнинг инсон соғлиғи учун қандай аҳамиятга эга эканлигини ҳамма билади. Доим рўза тутиб борган киши 36 йил ичида ҳамма 12 ойда рўза тутган бўлади. 36=3+6=9.

Соҳибқирон Амир Темур даврида олиб келинган совғалар сонининг 9та турда бўлиши ҳурмат белгисининг энг олий даражаси ҳисобланган.

Мустақил Республикамиз ўзининг саккиз йиллик байрамини нишонлаб, тўққизинчи йилга қадам қўйди. Ўтган саккиз йил ичида иқтисодиётимиз МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб юксалиш даврига қадам қўйди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 1996 йили — 100, 1997 йили — 106,5, 1998 йили 105,8 фоиз бўлди. Ғалла ва нефт мустақиллигига эришдик. Бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича «Ўзбек модели»нинг илмий, реал эканлигини жаҳон тан олди. Халқимизда «Яхши ният ярим мол», деган мақол бор. Мустақиллигимизнинг 9-йилини янада саховатли йил бўлади деб ният қилсак ва шу мақсадда ҳар бир киши ўз улушини ҳалол меҳнати билан қўшса, Ватанимиз бойлиги янада ортади.

Зоҳиджон БОЗОРОВ,
Тошкент Молия институти «Ўзбекистон тарихи» кафедра катта ўқитувчиси.

Бўқизиқ

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонмаинг

МУШУКВОЙ, ВОЙ-ВОЙ...

Ҳаётда жуда ҳам кўплаб мушукларни кўргансиз: оқ, ола, тарғил, кулранг. Уларнинг ҳаммаси сичқонни овлаб, таманно билан уйларда юришади. Лекин қорасига ишингиз тушганми? Кўп мамлакатларда, масалан, Россияда қора мушук йўлни кесиб ўтса, бахтсизлик юз беради дейишади. «Акса урса» тиш оғриғи бошланаркан.

Лекин яхши томонлари ҳам бор экан, қоравойнинг: қайлиқ никоҳ куни қора мушук кўрса, унинг «акса ургани»ни эшитса бахтли умр кечираркан. Мабодо кемада мушук бўлса, у асло чўкмас экан. Уйда уч хил рангли, яъни олачипор мушук борлиги омад ва бойликдан дарак экан. Буни қаранг: ўрусларда қора мушук билан учрашишдан қочилса, инглизлар у билан «учрашишга» интилишаркан. Мабодо уларга дуч келганда, мушукнинг думи тепага қайрилган бўлса, дарду балолардан асрар экан. Скандинавиялик баликчилар уйларида мушук бўлса, денгизга хотиржам сузиб кетишаркан: чунки уйда хотиржамлик ҳукм суриб, овлари бароридан келар экан-да.

«Ҳар ким ўзига қараб тўн бичади» деганлари шу бўлса керак.

СИРЛИ ОДАМЛАР

Йоханнесбург университетининг герантолог олимлари тубу қабиласининг яшаш тарзини ўргандилар. Қабила одамлари Сахрои Кабирнинг қоқ ўртасида, Тибетси чўлида яшайди. Бу ерда ҳатто қум ҳам йўқ. Шамол уларни учириб юборади-да. Қабила қип-қизил сахрода, 45 даража ҳароратда бир кунда 90 километр йўл босади. Қабилада болалар ўлими бошқа Африка қабилаларига қарагандa бир неча марта кам. Умри эса узоқ. Тубуларнинг емиши қўқат, чой, ҳурмо, пальма ёғи аралаштирилган тарикдан иборат.

Ноз-неъматлар ичида ғарқ бўлиб, кун кўрмай кетаётганлар қанча! Тубулар яшаш тарзида ўзига хос ҳикмат мужассам.

ТАШЛАДИ — КЕТДИ

Икки йўлбарсча — Жимми ва Билли туғилган заҳоти ҳаётнинг барча «лаззатини» тотиб кўришди. Уларнинг онаси йўлбарсларга хос бўлмаган иш тутди: болаларини ўз ҳолига ташлаб кетди. Агар бир тасодиф бўлмаганида йўлбарсчалар ҳалок бўлиши турган гап эди.

Ўрмоннинг икки йўлбарс боласи туғилган жойидан сал нарирокда ҳайвонларнинг хулқ-атворини ўрганаётган илмий экспедиция ишлаётган эди. Улар чалажон йўлбарсларга дуч келишди. Дарҳол уларни шифохонага олиб келишди. Сал жон киргач эса, йўлбарсчаларни зоолог Пол Бентон ўз уйига олиб кетди.

Бентонларнинг уйида яшаётган шимпанзе йўлбарсчаларни кўриб, панжаларини ялайди: эй, одам бўлмай ҳар нарса бўлгур, ўзингнинг қизинг етмай турувди, энди мушуксимонларинг ҳам бормиди. Лекин Лола (шимпанзенинг номи бу, яраш-ганини қаранг-а) барибир йўлбарсчаларни ювиб-тарарди. Фақат улар катта бўлиб тишларини кўрсата бошлагач, дам бошини ушлаб, оҳ-воҳ қилгандек бўлар, дам чийилларди. Ким билсин, балки йўлбарслар улғайса эгасини танимай қолар...

Табиат бағрида сирасрор жуда кўп, инсон қалбида эса ундан ҳам...

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

Бўш вақтларингизда

БОШҚОТИРМА



БЎЙИГА: 1. Туркиядаги шаҳар. 2. Ўзбекистон халқ артисти, таниқли хонанда. 3. Одиссейнинг ватани. 4. Ватикан пул бирлиги. 5. Қирғиз халқ эпоси. 6. Австралиядаги шаҳар. 7. Гвинея-Бисау пойтахти... 11. Америкодаги космосни тадқиқ қилиш бошқармаси. 12. Амалдор. 14. Шоҳмот чемпионларидан бири. 15. Овқатга солинадиган барг. 20. Нарсанинг барча қисмларини тутиб турувчи қисми. 21. Қуш тури. 22. Иззат-ҳурматни бажо келтирадиган киши. 23. Ҳинд-Европа халқларининг умумий шартли номи. 27. Франгистонда католиклар руҳонийси. 28. Тибетда яшайдиган ҳайвон. 30. Сонларни ифодалайдиган белгилар. 31. Мусиқали драматик саҳна асари. 32. Ҳўл мева.

ЭНИГА: 3. Дунёда энг кўп тарқалган дин. 8. Заҳарловчи модда. 9. Туркман ва ўзбек шоири. 10. Ёзнинг яхна ичимлиги 11. Гуллар шаҳри. 13. Осиёдаги йирик шаҳар. 16. Имтиҳон. 17. Ҳарбий саркарда. 18. Инкор, қайтариш. 19. Махсус отиш ҳонаси. 24. «..... Искандарий». 25. Шарқдаги пул бирлиги. 26. Қуш тури. 29. Рус рассоми. 33. Чумчуқдан кўрққан ... экмас. 34. «Кунчиқар» мамлакатдаги шаҳар. 35. Ўрта Осиёдаги дарё. 36. Оққора тасвирда кўриш имконини берувчи рангли телевидениенинг системаси.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ.
Зангиота тумани.

5-СЕНТЯБРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

БЎЙИГА: 1. Наҳанг. 2. Алатрид. 3. Петрушка. 4. Анероид. 5. Рандак. 11. Ерёнғоқ. 13. Чироқчи. 15. Ота. 16. Бит. 17. Тер. 18. Адо. 21. Амазонка. 22. Шоколад. 24. Исфарак. 26. Қайноқ. 28. Лакшми.

ЭНИГА: 6. Патефон. 7. Даҳана. 8. Есенин. 9. Ўра. 10. Бегония. 12. Чинакчи. 14. Ока. 19. Анатолия. 20. Велодром. 23. Амр. 25. Оққанот. 27. Ўсимлик. 29. Сор. 30. Сандал. 31. «Равшан». 33. Атакама.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га Обуна БОШЛАНДИ

Насрий масал

ИЛМПАЗЛИК

Новвой, ошпаз, сомсапаз, кабобпаз деган касбу корлар минг йиллардан бери бор, аммо илмпаз касби, илмпазлик тушунчаси кеч бўлса-да, пайдо бўлди. Агар қомусий луғатларга илмпаз, илмпазлик сўзлари киритилса, уларни шундай тавсифлаш мумкин эди: илмпаз — сохта олимларни туғувчи, кўпайтирувчи, ўзини катта олим деб ҳисоблайди. Илмпазлик — сохта олимларни ясаш усуллари ва услублари мажмуаси.

Илмпазликка оид ривоятлардан бирини баён этайлик. Тўрт тоғнинг подшоси Ота Йўлбарс вафотидан сўнг, тоғлардаги ҳайвонот ва зироат оламини бошқаришда ташвиш кам, иш юритиш осон бўлсин, деб тўртга бўлиниб кетди.

Тулки бундай қараса, у тоғда ҳам, бу тоғда ҳам тинчлик, осойишталик, илм ривожланиб боряпти. У биринчи тоғдаги илмий иш мавзуларини кўздан кечирди: биринчи тоғда каклик овлаш услубиёти, биринчи тоғдаги палапонларни Бургутдан асраш услубиёти, биринчи тоққа чиқиш ва тушиш бўйича йўриқнома; биринчи тоғдаги сайроқи қушларнинг рейтингини аниқлаш услубиёти ва ҳоказо.

«Бойишим, қорним жўжа-хўроз гўштига доимо тўла бўлиши учун қулай имконият юзага келди. Буни қўлдан бой бермаслик керак, — деди Тулки ва ўз кашфиётидан хурсанд бўлиб, рақсга тушиб кетди. — Бой-бадавлат маҳлуқотларни топиб, уларга илм ясаб бераман. Бунинг осон йўлини топдим: 1-тоғда қилинган илмий ишдаги 1-рақамини 2 билан алмаштирсам, мен яшаётган 2-тоғдаги иш ҳосил бўлади-қолади. Ишга оид мақолаларни ўзим бош бўлиб турган «Баланд тоғ» мажмуасида чоп эттираман, бирор бойвачча маҳлуқот номидан, албатта. Ким ҳам билиб ўтирибди. Ҳайвонлар тоғдан тоққа ўтмай қўйишганига ҳам анча йиллар бўлиб кетган. Фил ҳам ҳужжати жойида бўлса бўптида, деб «илм соҳиби» деган ёрлиқни мен яратган олимлар пешонасига ёпиштиришдан чарчамаяпти. Балки, 1-тоғда ҳам мен каби бир олим бизнинг 2-тоғдаги ишларимиздан шу йўсинда фойдаланаётгандир. Ўша олим билан тил бириктириб олсам, иш янада авж олади. Яшаввор, Тулкивой! Шу билан мен янги йўналиш — тоғ шароитидаги илмпазликка асос солган бўламан».

Илмпазлик ривожланганидан ривожланиб боряпти...

Йўқолсин илмпазлар ва илмпазлик!

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ.

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалиги ширкат хўжалигига ўтиши муносабати билан

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар 1 ой муддатгача қабул қилинади.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 10-13 октябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 5-10 метрга етади. Ҳаво ҳарорати кечалари 7-12, кундуз кунлари эса, 23-28 даражада атрофида иссиқ бўлади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Абай» номли жамоа хўжалиги ширкат хўжалигига айлантирилиши муносабати билан

ТУГАТИЛАДИ.

Барча дебитор ва кредитор қарзлари бор ташкилот ҳамда корхоналар ўз ҳисоб-китобларини аниқлаб олиш учун мурожаат қилишларини сўраймиз. Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Бўстонлиқ тумани «Абай» номли жамоа хўжалиги марказий идорасида қабул қилинади.

Телефон: 8 (272) 22-569, 24-112.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0889. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.15. 1 2 3 4 5 6